



**Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

"NAMANGANMASH" акциядорлик жамияти раҳбариятига йулланган аудиторлик хулоса

Адресат:	"NAMANGANMASH" акциядорлик жамияти
Манзили:	Наманган шаҳри Амир Темур кучаси 99 уй
Хисоб рақами:	20210000800174962001 АТСКБ Наманган филиали МФО: 00224
СТИР:	200049541, ИФУТ 28140
Аудит ташкилоти	МChJ "SAMIMIY AUDIT" auditorlik tashkiloti
Руйхат рақами:	№ 366, 10 январ 2008 йил Уз.Р. Адлия Вазирлиги
Лицензия:	АФ № 00700, 4 январ 2010 йил Уз.Р. Молия Вазирлиги
Ташкилот директори:	Аҳмаджанов Мухтор Махмуджанович, Ауд.сер. № 00733 5.02.2001й
Манзили:	Наманган шаҳри, Намуна кучаси 35 уй, Ширкат идораси 2 қават
Хисоб рақами:	20208000004670677001 Асакабанк Наманган бўлими МФО 00231
СТИР:	206944438, ИФУТ 69202, тел.: 8(369) 227-55-80. e-mail: samimiy-hulosa@mail.ru

Мен, Молия Вазирлигининг 2013 йил 12 октябр № 05163 сонли малака сертификатига эга аудитори Н.Шарипов томонидан, аудиторлик ташкилотига «Барча хўжалик юритувчи субъектларида аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга хукукни берувчи» лицензияга асосида хўжалик юритувчи субъект "NAMANGANMASH" акциядорлик жамиятининг бухгалтерияси томонидан тақдим этилган; корхонанинг ташкилий ҳукукий асослари ҳужжатлари, бирдамчи бухгалтерия ҳужжатлари ва улар асосида тайёрланган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари, айланма ҳисоботлар, иш хақи ҳисоблашни ҳужжатлари ҳамда 2016 йил 31 декабр ҳолатига булган молиявий ҳисоботи (1-шакл "Корхона баланси", 2-шакл "молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" ҳамда солиқ ҳисоб китобларини, 2017 йил 5 январ № 02 шартномага асосан мажбурий тарздаги аудиторлик текширувудан ўтказилди.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "NAMANGANMASH" акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувудан ўтказдик.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миаллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.